Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA t.me/Gazeta_Adolat info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 47-son (1317) 2020-yil 18-dekabr, juma



ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

## ОАВга нотўғри маълумот тақдим этган мансабдорлар МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Жорий йилнинг 14 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги видеоконференция шаклидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция йиғилишида кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги каби қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

2

## Бюджетдан ташқари ТУРЛИ ЖАМҒАРМА ВА ФОНДЛАР КЕРАКМИ?

**Ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғарма ва фондлари мавжуд экан, улардаги маблағларнинг сарфланиши юзасидан аниқ бир фикр билдириб бўлмайди. Ташкилотнинг маълум бир "қатлами" учун мана шу жамғарма ва фондлардан "байрам тадбирини ўтказиш учун" деб маблағларнинг сарфланиши назоратини ким олиб боради? Бу бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши ғазначилик орқали молиялаштирилмагани ва назорат қилинмаганидан сўнг турли суиистеъмолчиликлар келтириб чиқармаслигига ким кафил бўла олади?**

2

## БЮДЖЕТ ПУЛИНИ "ТУЯ" ҚИЛАЁТГАНЛАР

### халқнинг давлатга бўлган ишончига путур етказади

**Ғузор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида 2018 йилда махсус комиссиянинг қарори ва буйруқ қабул қилинмасдан, 10 нафар ходимга (директор, директор ўринбосарлари, ҳисобчилар, ишлаб чиқариш таълими устаси ва ўқитувчилар) асоссиз равишда 442 млн. сўм моддий ёрдам пуллари ўзлаштирилган.**

**...айрим вазирликлардаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларини, эҳтимол, қисқартириш ҳам керакдир. Сабаби, ўзи шу вазирлик ходими бўлган ҳолда, унинг тизимидаги бюджет ташкилотларида текшириш ўтказиб, аниқланган камчиликларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериши унчалик ҳам ишонарли эмас. Бу мантиқан ҳам тўғри бўлмаса керак.**

3

## ТАШАББУСЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

Жумладан, ўсмир ёшдаги болалар меҳнати ҳуқуқларининг тартибга солиниши бўйича меъёрий аниқ ечимлар берилди. Шунингдек, ўқув муассасаларида ўқиш билан бир вақтда иш фаолиятини давом эттираётган талабалар меҳнати бўйича назарда тутилган айрим камчилик ва ҳолатларга тузатишлар киритиш лозимлиги муҳокамалар жараёнидан ўрин олди.

... Йўл белгиларининг жойлашиш тартибини қайта кўриб чиқиш, керакли жойга светафор ўрнатилмаганлиги ёки бузилганини вақтида таъмир этилмагани учун ҳуқуқий жавобгарликни жорий этиш каби таклифлар қонун лойиҳасига киритилди.

2

ЖУРНАЛИСТ ВА ҲАЁТ



## ИСТИҚЛОЛДАН ЯШАРАЁТГАН ҚИЗИЛҚУМ

### ёхуд вақтни ҳам шошираётганлар

**Бундан ўттиз йил олдин Ўзбекистонда бўлган одам бугун уни таний олмайди. Адашиб дунёнинг бошқа бир нуқтасига келиб қолдиммикан, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бу бежиз эмас. Чунки, миллий мустақилликдан кейинги даврда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланди, дунёга танилди. Асосан, пахта хомашёси етиштирадиган аграр ўлкадан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча йўналишлари жадал ривожланаётган, аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб бораётган замонавий демократик давлатга айланди. Буни мамлакатимиз пойтахти Тошкентдан тортиб, унинг энг чекка ҳудудларигача, ҳамма жойда кузатиш мумкин. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, унинг Навоий вилоят бўлими ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоятда ташкил этилган пресс-тур ўз номи билан "Журналист ва ҳаёт" деб номланди. Пресс-тур иштирокчилари, республика марказий матбуот нашрлари бош муҳаррирлари ва журналистлари вакилларидан иборат ижодий гуруҳ Навоий вилоятида, Қизилқум кенгликларида амалга оширилаётган, миллий мустақиллик имкониятларидан қувват олаётган бунёдкорликлар мисолида буни яна бир бор кўрдик, ҳайратландик.**

4

АКС-САДО

## Тарихга эътиборсиз бўлишга ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

"Adolat" газетасининг жорий йил 20 ноябрь сонида чоп этилган **"Ҳоким бува, вақтингиз бўлганда "Хотира китоби"ни варақлаб қўйинг!"** мақоласи жамоатчиликда қизғин муносабат уйғотди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятга ҳамда мақола муаллифига ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари баён этилган кўплаб хат ва телефон орқали мурожаатлар бўлмоқда. Қуйида шундай мактублардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.







*"Журналист Даврон Аҳмаднинг* **"Ҳоким бува, вақтингиз бўлганда "Хотира китоби"ни варақлаб қўйинг!"** *мақоласи Ўрта Чирчиқ тумани "Нуронийлар кенгаши" аъзолари ўртасида муҳокама қилинди.*

*Халқимиз азалдан юртимизни босқинчилардан ҳимоя қилиб, Ватани, оиласининг эркинлиги, тинч-тотув яшаши учун курашган қаҳрамонларини эъзозлаб, қадрлаб келган. Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳридаги "Хотира майдони"да ўрнатилган "Хотира китоби"даги бундай эътиборсиз тарзда битилган ёзувлар ҳақиқатан ҳам аянчлидир. Ачинарли томони, ёдгорлик ўрнатилганига 14 йил ўтибдики, бирор мутасадди раҳбар бунга эътибор бермаган. Фуқаролар-чи, улар қаёққа қарашган?*

*Ўтган 30 йил ичида кўплаб ютуқларга эришдик. Хато ва камчиликлар ҳам бўлди. Ғазалкент шаҳридаги "Хотира китоби" ана шундай хатоларимиздан биридир. Бу хатони тез кунда бугунги мутасадди раҳбарлар бартараф этадилар, деб ўйлаймиз.*

*Ҳурмат билан,*

***"Нуронийлар кенгаши" аъзолари Собиржон Алимжонов, Абдуманноп Акромов, Зикрим Юлдашев, Собир Турғунбоев, Абдували Маматқулов, Деҳқонбой Таслимов".***

ТАҲРИРИЯТДАН:

Шунга ўхшаш муносабатларни нафақат Тошкент вилояти шаҳар ва туманларидаги фуқаролар, балки Фарғона водийси, Навоий, Хоразм вилоятидаги юртдошларимиз ҳам билдирмоқдалар. Лекин Бўстонлиқ туман мутасадди раҳбарлари жим. Балки уларга "Adolat" газетаси етиб бормас.

Юртдошларимизнинг қизғин муносабатига сабаб бўлган мақолани чоп этишдан мақсадимиз яна бир бор Иккинчи жаҳон урушининг қаҳрамонларини, халқ жасоратини унутмасликка чорлаш, бугунги тинч ҳаётимизнинг қадрига етишдир.

Мақола чоп этилганидан сўнг бир неча туман ва шаҳар Хотира майдонларида бўлдик. Афсуски, уларнинг аксариятида ҳам айрим камчилик ва нуқсонларни кўрдик. Бироқ, бу энди алоҳида мавзу.

"ADOLAT" газетасига обуна давом этмоқда



Обуна — 2021
обуна индекси 100

# ОАВга нотўғри маълумот тақдим этган мансабдорлар МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

1

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот соҳаси, шу жумладан, ОАВ ва оммавий коммуникациялар фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай ислоҳотлар натижасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлик даражаси сезиларли даражада ўсиб, жамиятда фикр ва уни билдириш эркинлигини таъминлайдиган очиқ мулоқот майдони яратилди.

Натижада, юртимизда миллий оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг роли сезиларли даражада ўсмоқда. Миллий матбуотимиз томонидан тақдим этилаётган материаллар фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошишига хизмат қилмоқда. ОАВ ва журналистларнинг фаолияти мамлакатимизда демократияни мустаҳкамлаш ва давлат органларининг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини оширишга, шунингдек, ижтимоий ривожланишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни очиб беришга улкан ҳисса қўшмоқда.

Шунинг билан бир қаторда, шахснинг қадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга олиб келадиган ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлиги учун таҳдидга эга бўлган ёлғон ахборотни тарқатиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки интернет тармоқларига жойлаштириш орқали тарқатиш ҳоллари тез-тез такрорланиб турибди. Бундай шароитда фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини таъминлайдиган ҳуқуқий майдонни яратиш муҳим ҳисобланади.

Шу боисдан дастлаб депутатлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

**Шахснинг қадр-қимматини камситувчи, уни обрўсизлантиришга қаратилган ёлғон ахборотни ишончли маълумот кўринишида била туриб телекоммуникация, интернет тармоқларига жойлаштирганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмоқда.** Депутатларнинг қайд этишича, амалдаги қонунчиликда бу турдаги ҳаракатни содир этган шахс тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Таклиф этилаётган лойиҳада эса шахс шундай ҳаракатлари учун муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин 1 йил давомида такроран содир этсагина жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси амалиётга татбиқ қилиниши билан миллий ОАВ ва журналистларнинг профессионал фаолияти учун янги самарали механизмларни жорий этишга имконият яратилади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тўғрисидаги маълумотларни эркин олишлари ҳамда уларнинг фаолиятига аралашмаслик бўйича қўшимча кафолатлар белгиланди.

Ёлғон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чораларининг қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилишига, шунингдек, жамиятнинг хафвсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга кўмак беради.

Эндиликда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш, уларнинг сўрови юзасидан ўзида мавжуд бўлган очиқ ахборотни тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумот тақдим этгани учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Фракция йиғилишида "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмига киритилаётган ўзгартириш туфайли 2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 5.5 миллиард АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2.5 миллиард АҚШ долларигача миқдорида белгилаш назарда тутилмоқда. Бу ўзгартиришга қадар ушбу чеклов ҳажми 4 миллиард АҚШ доллари этиб белгиланган эди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар тарзида ўтган йиғилиш якунида кун тартибида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси ижрочи котиби**

# ТАШАББУСЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

## ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИДА

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар парламенти фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тарафидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди.



Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Меҳнат кодекси» лойиҳасининг аксарият моддалари бўйича таклифлар илгари сурилди. Жумладан, ўсмир ёшдаги болалар меҳнати ҳуқуқларининг тартибга солиниши бўйича меъёрий ечимлар берилди. Шунингдек, ўқув муассасаларида ўқиш билан бир вақтда иш фаолиятини давом эттираётган талабалар меҳнати бўйича назарда тутилган айрим камчилик ва ҳолатларга тузатишлар киритиш лозимлиги муҳокамалар жараёнидан ўрин олди.

Йиғилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси сифатида тақдим этиш учун таклифлар ҳам ишлаб чиқилди. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, таълим соҳасини рақамлаштириш ҳамда йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан ҳам таклифлар кўриб чиқилди. Таклифларда асосан, бугунги пандемия шароитида юзага келган соғлиқни сақлаш соҳасидаги камчиликлар, тиббиёт соҳасини модернизациялашни кучайтириш ҳамда рақамлаштиришни тезроқ амалиётга жорий этиш, жарроҳлик операцияси вақтида юз берадиган турли хил кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун аниқ механизмларни ишлаб чиқиш бўйича муҳим таклифлар айтиб ўтилди. Таълим соҳасида масофавий таълимни кучайтириш, масофавий таълимни жорий этишда юзага келадиган камчиликларини бартараф этиш ҳамда мобиль-алоқа сифатини яхшилаш бўйича ҳам Ёшлар парламенти аъзолари томонидан долзарб таклифлар билдирилди. Шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини тартибга солиш зарурати юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишда муҳим қадам бўлишига урғу берилди. Йўл белгиларининг жойлашиш тартибини қайта кўриб чиқиш, керакли жойга светафор ўрнатилмаганлиги ёки бузилганини вақтида таъмир этилмагани учун ҳуқуқий жавобгарликни жорий этиш каби таклифлар қонун лойиҳасига киритилди.

Мажлис якунида кун тартибидан ўрин олган фракция аъзоларининг қабул қилинган қонун ҳужжатлари юзасидан оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда илмий-оммабоп мақолалари билан чиқишларини таъминлашга доир механизмни жорий этиш масаласи ҳам муҳокама этилиб, иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

## НУҚТАИ НАЗАР

Маълумки, Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси баёноти эълон қилинди.

Унга кўра вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларига турли хил корпоратив байрам тадбирлари ташкил этиш тақиқланган.

# Бюджетдан ташқари ТУРЛИ ЖАМҒАРМА ВА ФОНДЛАР КЕРАКМИ?

Шу билан бирга, ресторан, кафе, чойхона ва бошқа умумий овқатланиш шохобчаларида карантин чекловларига (мижозларни жойлаштиришда ижтимоий масофани сақлаш, тиббий ниқобдан фойдаланиш, 30 кишидан ошмаган ҳолда тўй ва оилавий маросимларни ўтказиш, шунингдек, дезинфекция ишларини амалга ошириш) қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича масъул идораларга тегишли топшириқ берилди.

Демак, турли вазирлик, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг ходимлари учун байрам тадбирларини "тор доирада" ўтказиш имконияти мавжуд. Бир қарашда бунинг нимаси ёмон? Жамоа вакиллари биргаликда байрам қилиш ҳамда дам олиш ҳуқуқига эга. Аммо ушбу жамоанинг вакиллари ўз ҳисобидан байрам тадбирларини келишган ҳолда ўтказсагина бу ҳол ўринли бўлади.

Турли ташкилотларнинг **бюджетдан ташқари жамғарма ва фондлари мавжуд экан, улардаги маблағларнинг сарфланиши юзасидан аниқ бир фикр билдириб бўлмайди. Ташкилотнинг маълум бир "қатлами" учун мана шу жамғарма ва фондлардан "байрам тадбирини ўтказиш учун" деб маблағларнинг сарфланиши назоратини ким олиб боради? Бу бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланиши ғазначилик орқали молиялаштирилмагани ва назорат қилинмаганидан сўнг турли суиистеъмолчиликлар келтириб чиқармаслигига ким кафил бўла олади?** Байрам тадбирлари тугагач, маълум вақт ўтиб назорат функциясига эга бўлган органларнинг вакиллари текширув ёки ўрганиш мақсадида келганида, ташкилотнинг раҳбарияти томонидан "бу унчалик аҳамиятга эга эмас" дея масалани енгил "ёпиб" юбормаслигига ким ишонади?

Бу мисол билан **нафақат байрам тадбирлари, балки бошқа харажатларни амалга оширишда ҳам бюджетдан ташқари фонд ва жамғармалардаги маблағларнинг сарфланиши фақатгина шу ташкилот масъул раҳбарларининг назоратида ва жавобгарлигида эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.** Айниқса, **бюджетдан молиялаштириладиган вазирлик, идоралар, давлат улуши бўлган корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг шундай жамғарма фондларининг мавжудлиги улардаги маблағларнинг шаклланишида ва сарфланишида турли коррупцион омилларни вужудга келтириши мумкин. Ижтимоий тармоқларда эса бундай ҳолатларга, бюджетдан молиялаштирилган ҳолда бюджетдан ташқари маблағларни катта миқдорда сарфлаш каби кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.**

Бундай бюджетдан ташқари фонд ва жамғармаларнинг ташкил қилиниши ҳамда уларда маблағларнинг жамланиши устидан назорат қилиш учун янги бир тизимни тузгандан кўра, барча тушумларни Давлат бюджетига йўналтириш, керакли миқдордаги маблағларни талабнома асосида ажратиш ва ажратилган маблағларнинг сарфланишини Молия вазирлиги, Ғазначилик, Ҳисоб палатаси орқали назорат қилиш ўринли бўлади, деб ҳисоблаймиз.

*"Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам, 2020 йилга белгиланган иш-режасида ҳам, партия лойиҳаларида ҳам ушбу масалалар, яъни коррупцион омилларни йўқотиш ва бюджетдан ташқари турли фонд ва жамғармаларга тушумларни Давлат бюджетига ўтказиш масалалари кўтарилган ва мунтазам равишда амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритиш ҳақида таклифлар бериб борилмоқда.*

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Матбуот хизмати**

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# ГУРУҲ РАҲБАРИ ТАКЛИФ БИЛАН ЧИҚДИ

**Фарғона вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги йигирма учинчи сессиясида Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, доимий комиссия раислари, вилоят сектор раҳбарлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мамлакатимизда инқирозга қарши курашиш бўйича ўз вақтида қабул қилинган фармон ва қарорлар пандемия даврида аҳолининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлганлигини айтиб ўтди. Йиғилишда вилоят "Она ва бола" скрининг маркази раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Манзурахон Салимова ўз таклифлари билан вилоят ҳокимига мурожаат қилди.

— Аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш доимо долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир. Ҳеч кимга сир эмас, пандемия даврида тизимдаги камчиликлар, тиббий техника воситаларининг етишмовчилиги янада сезилди. Шундай экан, шаҳар ва туманларда эрта-ю кеч узлуксиз хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларини, перинатал, скрининг марказлари ҳамда иккинчи босқич мақоми берилган Марғилон ва Қўқон туғуруқ комлексларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, яьни замонавий аппаратура ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш лозим. Зарур ўзгаришлар амалга оширилса, вилоятимизда оналар ва болалар ўлимининг янада камайтирилишига эришилиб, келажак авлоднинг соғлом униб-улғайишида янада кўпроқ имкониятга эга бўламиз.

Вилоят ҳокими ва йиғилиш иштирокчилари депутатлик гуруҳи раҳбарининг фикрларини бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

**Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати**

Азал-азалдан аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ер ва сув масаласи долзарб муаммолар сирасига кирган. Хусусан, Денов туманининг тоғли ҳудудларида ҳам шу каби масалалар баъзида кўзга ташланиб, баъзида аҳоли тортишувларига сабаб бўлмоқда.

# Аҳоли мамнун бўлди

Жумладан, тумандаги "Чим" маҳалласи обод ва намунали маҳаллалар сирасига киради. Атроф-муҳит озода, маҳалла аҳолиси тинч, бир-бири билан аҳил-иноқ яшайди. Аммо мазкур маҳаллада ичимлик суви муаммоси мавжуд бўлиб, артезиан қудуқларидаги насослар яроқсиз ҳолга келиб, аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган муҳтожлиги билан боғлиқ муаммолар маҳалла аҳлини бир неча йиллардан буён қийнаб келар эди. Маҳалладаги мавжуд артезиан қудуқларидаги насосларнинг бузилиш ҳолатлари аҳолида тоза ичимлик сувига бўлган муаммони туғдириб келаётган эди.

Шу хусусда тумандаги "Жаъматак" сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Фарҳод Расулов томонидан олиб борилган юзма-юз мулоқотлар даврида фуқаролар томонидан ушбу муаммони бартараф этишда ёрдам беришларини сўраб мурожаатлар бўлган эди. Халқ ноиби ушбу қишлоқ аҳлининг ичимлик сувига бўлган талабини қондириш, туну кун кафолатланган тоза ичимлик суви таъминотини йўлга қўйиш мақсадида маҳалла фаоллари билан ўтказилган учрашувларда мазкур мавзу атрофлича муҳокама этилди. Депутатимиз қисқа муддат ичида мавжуд сув тармоқларини тозалаш, айрим ҳудудларда таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилишини маълум қилган ҳолда, бугунги кунда аҳолини қийнаб келаётган сув билан таъминлаш имконини берувчи сув тортиш мосламасини ўрнатишга ваъда берди.



Шунга асосан, депутатимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторларининг жойларда ўтказилаётган сайёр қабулида бўлиб, мазкур муаммони ҳал қилишда кўмак зарурлигини билдирди. Хусусан, сенатор Абдуғани Сангинов ўтказган сайёр қабул вақтида депутатимиз мазкур муаммони бартараф этишда кўмак зарурлигини билдирди. Сенатор муаммони ўрганиб чиқиб, ҳал қилиб беришга киришди.

Сенатор ҳомийлиги остида "Чим" маҳалласида 20 йилдан буён яроқсиз ҳолга келиб қолган мавжуд артезиан қудуғи махсус техникалар билан тозаланди. Сув тортиш қудуғига 1 дона янги замонавий ЭЦВ насос, труба, кабеллар ва бошқа янги замонавий ускуналар ўрнатилиб, таъмирланди ва аҳолига тоза ичимлик суви чиқариб берилди. Бунинг натижасида "Чим" маҳалласидаги 842 та хўжаликда 4280 дан ортиқ аҳолининг тоза ичимлик суви муаммоси бартараф этилди. Ниҳоят, 20 йилдан буён қийнаб келган сув муаммоси бартараф этилганидан маҳалла аҳли жуда хурсанд бўлишди.

— Маҳалламизда 800 дан ортиқ хонадон бор, — дейди биз билан суҳбатда "Чим" маҳалласи раиси М.Бўриева. — Узоқ йиллардан бери бизни ичимлик суви муаммоси қийнаб келаётганди. Маҳалла аҳли қишлоқдан бир неча километр узоқликдан сув ташиб келтирар эди. У ҳам вақти билан тўхтаб қолиши туфайли одамларнинг соатлаб навбат кутишига тўғри келаётганди. Айниқса, томорқадаги сабзавот ва мевалар, чорва моллари, паррандалар — ҳаммаҳаммасига сув ташиш керак. Қанчадан-қанча томорқа экинларимиз, дов-дарахтлар қуриб қолаётган эди. Бу эса маҳалладошларимизни қийин аҳволга солаётган эди. Мана, халқ ноибларининг саъй-ҳаракати билан маҳалламизга сув келди. Бундан жуда хурсандмиз. Мушкулимизни осон қилган депутат Фарҳод Расулов ҳамда сенатор Абдуғани Сангиновларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Бугун каттаю кичикнинг дуосини олиб, хайрли ишларни амалга ошираётган халқ вакилларидан аҳоли мамнун. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам халқни рози қилишга қаратилгандир.

**Гулшод ТУРСОАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи ҳар галгидан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм фаоллари, нуронийлари ҳамда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувида воҳамизда илк бор тажриба сифатида «маҳалла раиси — ислоҳотчи» тамойили асосида ишлар ташкиллаштирилиши ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизимни яратиб берганлари жуда катта мақсадлар сари имкониятлар эшикларини очиб берди.

# Маҳалла раиси энди ислоҳотчи

Тан олиш керакки, олдинлари иш тизими юқоридан пастга қараб юрар эди, бу самадорлик ва унумдорлик кўрсаткичлари жуда пасайиб кетишига сабаб бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Эндиликда Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган янги тизим бўйича «маҳалла раиси — ислоҳотчи», яъни маҳалла раиси ўзининг ҳудуди бўйича ислоҳотчи шахс бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилган маҳалла раисига ёрдамчи қилиб солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъул раҳбарлар тайинланиши, ўз навбатида, мамлакатимиз тараққиёти ривожланишининг яна бир омили сифатида кўришимиз мумкин.

Кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан маҳаллага кўрсатилган эътибор шу бугунгача дунё тарихида бўлмаган деб бемалол айта оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг нафақат маҳалла тизимига, балки ёшлар, туризм, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга қаратган эътибори ва илгари сурган илғор ташаббуслари ҳамда Хоразм элига бўлган эҳтироми биз, хоразмликларга куч ва ғайрат бағишлади.

Юртимиз тараққиётига, фуқароларимизнинг ҳаётидан рози бўлиб яшашлари, айниқса, янги Хоразмни барпо этиш учун бор имкониятимизни сафарбар этишга белни маҳкам боғладик.

**Улуғбек ҚУРЯЗОВ,**
**Хоразм вилоят кенгаши раис ўринбосари, вилоят Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари**

ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

# Аҳолига сифатли дори воситалари керакми?

Ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш бўйича очиқ-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш бўйича номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик каби масалаларни “Адолат” СДП ўзининг Сайловолди дастурида асосий вазифалардан бири сифатида кўтариб чиққан.

Ушбу вазифаларнинг ижроси юзасидан партия лойиҳалари доирасидаги ўрганиш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Масалан, ўтган ҳафтада партиянинг «Дори воситаларининг ноқонуний айланишига қаршимиз» лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли ва Шўманай туманида партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ҳудуддаги дорихоналарнинг хизмат кўрсатиш сифати қандай даражада эканлиги ва дори воситаларининг таъминоти юзасидан ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Кегейли ва Шўманай тумани марказларидаги дорихоналарининг фаолияти ўрганиб чиқилганида ютуқлар билан бирга айрим камчиликларнинг ҳам борлиги аниқланди.

Жумладан, Кегейли тумани марказидаги «Кегейли гузари» кўчасида жойлашган дорихоналарда ҳам, Шўманай туманидаги «Абай» ва «Дўстлик гузари» кўчаларида жойлашган дорихоналарда ҳам аҳолининг талаби юқори бўлган айрим дори воситаларининг етишмаслиги маълум бўлди.

Бу муаммонинг сабаби сўралганида кўпчилиги импорт дори воситалари эканлиги, бизгача етиб келгунича вақт талаб қилинишини айтишди.

Партия депутатлари ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаб, тегишли ташкилот раҳбарларининг ҳисоботини тинглаш ва маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибларига масала киритишни мақсад қилган.

Лойиҳа доирасидаги бундай ўрганиш ишлари жойларда давом этмоқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати**

# Депутат ногиронлик аравачаси совға қилди




Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши депутати Асрор Маҳмудов яқинда ўзи сайланган округдаги «Ҳусайн Байқаро» МФЙнинг 15 дан ортиқ ижтимоий кам таъминланган оилаларига озиқ-овқат ҳамда рўзғорлик буюмлари хайрия қилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгаши депутати Дилдора Исломова “Кўкча” МФЙда истиқомат қилувчи ногиронлар ҳамда 192-мактабда таҳсил оладиган имконияти чекланган ўқувчилар ҳолидан хабар олиб, хайр-эҳсон улашди. Имконияти чекланган болалардан бирига ўз ҳисобидан ногиронлик аравачаси совға қилди.

**Нурмат ОРИПОВ,**
**Тошкент шаҳар кенгаши ижрочи котиби**

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

# БЮДЖЕТ ПУЛИНИ “ТУЯ” ҚИЛАЁТГАНЛАР

## халқнинг давлатга бўлган ишончига путур етказади

Давлат бюджети — халқнинг маблағи. Шу боис, унинг ҳар бир сўми қаттиқ назоратда бўлиши керак.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, бюджет жараёни очиқлиги ва шаффофлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари 2020 йилдан бошлаб қонун билан тасдиқланмоқда.

Шу билан бирга, 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар ҳам бевосита иштирок этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, туман(шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилмоқда.

Бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиляпти, «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, шунингдек, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан ташқи аудит ва баҳолаш натижалари бўйича хулосалари эълон қилиб келинмоқда.

Лекин шунча шаффоф тизим яратилаётганига қарамасдан, бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш, мақсадсиз сарфлаш, уларнинг талон-тарож қилиниши ҳолатлари кескин камайиши ўрнига, ортиб бораётгани жуда таажжубли ҳол.

Бюджет маблағларининг қонуний сарфланишини назорат қилиш учун бир нечта ташкилот фаолият олиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Давлат молиявий назорати департаменти, бундан ташқари, айрим вазирликларда ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ҳам мавжуд.

Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча чоралар кўрилмоқда, ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Шу жумладан, уларда текширишлар сонини кескин камайтириш мақсадида моратория ҳам эълон қилинган эди. Аммо бу айнан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ва хўжалик юритувчи ташкилотларга эълон қилинган, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларга эмас.

Маълумки, Молия вазирлиги қошида Давлат молиявий назорати департаменти бош бошқармасининг асосий вазифаси бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиб боришдан иборатдир. Мазкур бошқарма зиммасига ушбу вазифани бажариш учун асосан масофавий назоратни олиб бориш, яъни, замонавий ахборот технологиялари, маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш, бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш юклатилган.

Шунга кўра, Давлат молиявий назорати департаменти штат бирликлари 46 фоизга **(971 та штат бирлигидан 442 таси)** қисқартирилган. Бунинг ҳисобига Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача таълим ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимида ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилган.

Ўз навбатида, штат бирликларининг қисқартирилиши бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича олиб бориладиган назорат тадбирлари сифатига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун, 2015 йилда текширишлар сони 25 294 та, аниқланган ноқонуний харажатлар 541,3 млрд. сўм, 2016 йилда 25 038 та, 532,5 млрд. сўмни, 2017 йилда 14 024 та, 423 млрд. сўм, 2018 йилда 6 692 та, 357,1 млрд. сўм ва 2019 йилда 9 825 та, 304,2 млрд. сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари, пул маблағлари, моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар аниқланган.

Таҳлиллар ва рақамлар назорат тадбирлари камайган бўлишига қарамасдан, ўртача битта назорат объектида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳамда пул маблағлари, моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар йилдан-йилга ортиб борганини кўрсатмоқда.

Мисол учун, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, пул маблағлари ва моддий бойликлар камомади ҳамда ўзлаштиришлар миқдори ўртача битта ташкилотга 2015 йилда 24 млн. сўм, 2016 йилда — 23,8 млн. сўм, 2017 йилда — 33,5 млн. сўм, яъни 2015 йилга нисбатан 9.5 млн. сўм (**1,4 баробар)**га ошган.

2018 йилда 63 млн. сўм бўлиб, 2015 йилга нисбатан 39 млн. сўм (**2,6 баробар)** га ошган ва 2019 йилда 38,9 млн. сўм, яъни, 2015 йилга нисбатан 14,9 млн. сўм (**1,6 баробар)**га ортган.

Ушбу кўрсаткичларни соҳалар кесимида олиб қарасак, аниқ манзара ҳосил бўлади. Жумладан, Халқ таълими ва Мактабгача таълим вазирликлари тизимида 2015 йилда 3,3 млн. сўм, 2016 йилда 3,8 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 4,6 млн. сўм, яъни 1.3 млн. сўм **(1,4 баробар)**га, 2018 йилда 9,8 млн. сўм, 2015 йилган нисбатан 6,5 млн. сўм **(3 баробар)**га ва 2019 йилда 26 млн. сўм, 2015 йилга нисбатан 22.7 млн. сўм **(9 баробар)** га ошган.

Бундай кўрсаткичлар Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тизимида ҳам, ҳатто ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам учрайди.

Айрим ҳолатларда вазирликларда тузилган ички аудит ва молиявий назорат хизматлари томонидан мавжуд қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаб, чора кўриш учун белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ўтказиш ўрнига, улар томонидан қонун бузиш ҳолатларини яшириш, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ҳамда ўзлаштирилишига шароит яратиб бериш ҳоллари ҳам учраб тургани ниҳоятда ачинарлидир.

Масалан, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказининг Фарғона вилоят бошқармасининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати томонидан 2018 йил июнь ойида **Олтиариқ агросаноат касб-ҳунар коллежининг** 2015 йил октябрь ойидан 2018 йил май ойигача бўлган давридаги молия хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган тафтиш натижасида жами 11,2 млн. сўм молиявий хато ва камчиликлар аниқланган, тафтиш ҳужжатлари белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилиши лозим бўлса-да, ушбу чора кўрилмаган. Нима учун, деган саволга жавоб топиш қийин эмас, албатта.

Шундан сўнг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан жойида назорат тадбирлари ўтказилганда ортиқча штат бирликлари, “ўлик жонлар”, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатларга асоссиз ортиқча тўловлар каби **117,9 млн. сўмлик** ноқонуний тўловлар аниқланган.

Тафтиш ва текширишларнинг кескин қисқартирилиши натижасида кейинги йилларда бюджет ташкилотларининг масъул ходимлари ўзаро тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириш, ташкилотда умуман ишламаган (“ўлик жон”) фуқаролар номига иш ҳақи ёзиш, иш ҳақини сунъий ошириб кўрсатиш, ўзларининг пластик карталарига ҳамда собиқ ходимлардан олиб қолинган пластик карталарга асоссиз равишда маблағлар ўтказиш йўллари билан бюджет маблағларини ўзлаштираётганлик ҳолатлари кенг тарқалаётгани ташвишлидир.

Мисол учун, 2018-2019 йилларда 15 та касб-ҳунар коллежларида ҳақиқатда ишламаган шахслар номига иш ҳақи ҳисобланиши натижасида **2,7 млрд. сўм** бюджет маблағлари муассасаларнинг раҳбар ва бош ҳисобчилари томонидан ўзлаштириб юборилгани аниқланган. Хусусан, Тошкент шаҳар Олмазор тиббиёт коллежи бош ҳисобчиси ва иш ҳақи бўйича ҳисобчиси ўзаро тил бириктириб, коллежда ишламаган, коллеж директорининг тегишли буйруқларига асосан меҳнат шартномалари бекор қилинган, ойлик табелларда исм-шарифи қайд этилмаган ўқитувчилар ва бошқа ходимлар номига ойлик иш ҳақлари, мукофот пуллари ҳисобланиб, бош ҳисобчи томонидан собиқ ходимлардан олиб қолинган банк пластик карталарига маблағ ўтказиш йўли билан 2015-2019 йиллар давомида жами **1,8 млрд. сўм** бюджет маблағлари ўзлаштирилган.

Оққўрғон туманидаги 78-сонли махсус ёрдамчи мактаб интернатининг мудираси, ҳисобчи ва хўжалик мудири ўзаро тил бириктириб, мактабда ҳақиқатда ишламаган фуқаролар номига очилган пластик картага иш ҳақи сифатида 251 млн. сўм, Денов туманидаги 24-сонли умумтаълим мактаби ҳисобчиси мактабда ишламаган ўзининг яқин қариндошлари (хотини, янгаси, амакиси ва тоғаси) номига очилган пластик карталарга бюджет маблағлари ҳисобидан асоссиз равишда 110 млн. сўм маблағни ўтказиб, ўзлаштириб юборган.

Худди шунингдек, Ғузор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида 2018 йилда махсус комиссиянинг қарори ва буйруқ қабул қилинмасдан, 10 нафар ходимга (директор, директор ўринбосарлари, ҳисобчилар, ишлаб чиқариш таълими устаси ва ўқитувчилар) асоссиз равишда **442 млн. сўм** моддий ёрдам пуллари ўзлаштирилган.

Бир қатор касб-ҳунар коллежларида ходимларнинг иш ҳақларини пластик карталарга ўтказиш рўйхати белгиланган тартибда банк муассасаларига тўғридан-тўғри электрон (онлайн) тарзда юборилмасдан, амалдаги тартибга зид равишда электрон шакл (“флешка”)да олиб бориш йўли билан **353 млн. сўм** маблағ ўзлаштирилган.

Зарбдор туман мактабгача таълим бўлимида муассасаларга иш ҳақи тўлов қайдномаларига имзо қўйдирилмасдан, хазинадан нақд пуллар асоссиз чиқим қилиниб, 73,4 млн. сўм камомадга йўл қўйилган бўлса, Шайхонтоҳур туманидаги 197-сонли мактабгача таълим муассасасида 216 млн. сўм нақд пул маблағлари муассаса ҳисоб рақамига кирим қилинмаган.

Бугунги кунда энг долзарб бўлиб турган масалалардан бири ижтимоий муҳофазага муҳтож айрим тоифадаги аҳолимизни камбағалликдан чиқаришдир. Ушбу масалага Президентимиз томонидан куюнчаклик билан ёндашилаётган, қатор чоралар кўрилиб, маблағлар ажратилаётган бир пайтда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ана шу бюджет маблағларига кўз тикиш, уларни ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларига йўл қўйилаётганини қандай тушуниш мумкин?!

Масалан, Навбаҳор тумани “Қалқон ота” МФЙ котиблари томонидан маҳаллада рўйхатга олинмаган ва умуман мавжуд бўлмаган фуқаролар номига сохта паспортлар нусхаси тайёрланиб, Халқ банки Навбаҳор тумани филиали ходими билан келишган ҳолда, пластик карталарни очиб, 2016-2018 йиллар давомида 43 ҳолатда ижтимоий нафақалар учун ажратилган маблағлардан жами 262 млн. сўм асоссиз ўтказилиб, МФЙ котиблари томонидан ўзлаштириб юборилган.

Албатта, бундай қинғирликларга бош қўшган, хатоликларга йўл қўйганлар, айниқса, масъул ходимлар қонун олдида жавоб бермоқда. 2015-2019 йилларда бюджет маблағларининг сарфланишида бюджет интизомини бузган 3087 нафар ана шундай масъул ходимларга 2 018,0 млн. сўм маъмурий жарима қўлланилган. Бундан ташқари, 2015-2019 йилларда 1 580,6 млрд. сўм миқдоридаги аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий баҳо бериш учун 30 135 та назорат тадбирлари ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилган.

Энди ўйлаб кўринг: 2015 йилда текширишлар сони 25 294 та, аниқланган ноқонуний харажатлар 541,3 млрд. сўм, яъни ҳар бир текширишда ўртача **21.4 млн.** сўм ноқонуний харажат аниқланган. 2019 йилда эса 9 825 та текширувда 304,2 млрд. сўм, яъни ҳар бир текширишда ўртача **30.9 млн. сўм** миқдорида ҳар хил қонунбузилиш ҳолатлари ва пул маблағлари, моддий бойликлар камомади ва ўзлаштиришлар аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, демак, кейинги беш йил ичида текширишлар сони 2-3 баробар қисқартирилган ва табиийки, кўп ташкилотларда 3-5 йиллардан буён текширишлар ўтказилмаган. Агарда ҳар бир текширишда ўртача салкам 31 млн. сўм ноқонуний харажатлар аниқланса, тахминан **775 млрд. сўм** (текширишлар сони ўртача 25000 та X 31,0 млн. сўм) ноқонуний харажатлар аниқланади.



**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

Тўғри, текширувчи, назоратчи сўзлари ҳеч бир соҳа вакилига ёқмайди. Лекин яқиндагина Бухоро вилоятининг Олот туманида юз берган кучли шамол натижасида намунавий уйларнинг том қисми сифатсиз бажарилгани, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги Сардоба сув омборида содир бўлган нохуш ҳолатларнинг қайтарилмаслиги учун бюджетдан ажратилган маблағлар аниқ мақсадларга сарфланишини, бажарилган ишларнинг сифат назоратини тизимли равишда олиб бориш, текширишлар мунтазам равишда ўтказилиб турилиши, ажратилган бюджет маблағларининг бир сўмигача ҳисоботлар қаттиқ талаб қилиб борилиши мақсадсиз ва ноқонуний харажатларнинг олдини олишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳали бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз жуда кўп. Шунинг учун, аввалambор, 2020 йил Давлат дастуридан ўрин олган “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги **қонун лойиҳасини тайёрлашни тезлаштириш** керак.

Қонун лойиҳасида бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Хусусан, лойиҳага:

- Давлат молиявий назорат департаментини **Вазирлар Маҳкамаси таркиби**га ўтказишни;
- Вазирлар Маҳкамасинингг структуравий тузилмасида Давлат молиявий назорат департаменти бевосита **Бош вазирга ҳисобот** беришини;
- унинг штат бирлигини бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасалар сонига нисбатан белгилаш бўйича норма киритишни;
- давлат ташқи қарзи бўйича ҳисоботларни мунтазам текшириб бориш ва раҳбариятга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш нормасини киритишни;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ишлашда Давлат молиявий назорат департаменти ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида норма сифатида киритишни;
- бюджет ташкилотларида тафтиш ва текшириш ўтказиш режалари ишлаб чиқилишида ундаги асосий талабларни қонун лойиҳасида акс эттиришни;
- тафтиш ва текширишларни масофавий ҳамда жойига бевосита чиққан ҳолда амалга ошириш учун норма киритишни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, айрим вазирликлардаги ички аудит ва молиявий назорат хизматларини, эҳтимол, қисқартириш ҳам керакдир. Сабаби, ўзи шу вазирлик ходими бўлган ҳолда, унинг тизимидаги бюджет ташкилотларида текшириш ўтказиб, аниқланган камчиликларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериши унчалик ҳам ишонарли эмас. Бу мантиқан ҳам тўғри бўлмаса керак.

Давлат бюджетининг тўғри, мақсадли сарфланиши устидан халқ, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, албатта, халқ вакиллари ҳисобланган депутатлар ҳам фаол иштирок этмоқда, жойларга чиқиб, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши, уларнинг натижадорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда парламент назоратини олиб бормоқда.

Эндиги гап, назаримизда, парламент ва жамоатчилк назоратини янада кучайтириш, шу орқали Давлат бюджетининг ҳар бир сўми мақсадли сарфланишини таъминлашга эришишда қолди.




# ИСТИҚЛОЛДАН ЯШАРАЁТГАН ҚИЗИЛҚУМ

## ёхуд вақтни ҳам шошираётганлар





1

Мамлакатимиз Президенти Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади, дея бежиз таъкидламади. Негаки, жамият ва давлатнинг порлоқ истиқболини билимдон ва маънавиятли ёшлар яратади. Вилоят таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишар эканмиз, ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи заминда билимдон авлодни тарбиялашга жиддий эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Вилоят халқ таълими тизимида 365 та умумтаълим ўрта мактаби бўлиб, уларнинг 12 таси давлат ихтисослаштирилган мактаблари, 5 таси давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ва 3 таси махсус мактаб-интернатлардир. 2019-2020 ўқув йилида навоийлик 13 044 нафар 11-синф битирувчиларидан 125 нафари олтин ва 25 нафари кумуш медаллар билан умумтаълим мактабларини тугаллади. Уларнинг 3 881 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Халқ таълими вазирлиги эълон қилган натижалар бўйича Давлат тест маркази таҳлиллари асосида олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичларига кўра Навоий вилояти республикамизда биринчи ўринни эгаллади.

Вилоятда бу борада эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жумладан, *2019-2020 ўқув йилида Бухоро вилоятидаги машҳур Қоракўл халқаро математика фанига ихтисослашган мактаб-интернати билан ҳамкорликда Навоий шаҳрида математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган 360 ўринли мактаб-интернат ташкил этилди. Мактаб-интернатга ўқувчиларни саралаб олиш жараёнлари беш босқичда амалга оширилди. Шунингдек, унинг биноси 2,8 миллиард сўмга мукаммал таъмирланиб, 1,7 миллиард сўмлик замонавий моддий-техника базаси билан таъминланди.*

Шунинг билан бир қаторда, жорий йилнинг ўзида давлат-хусусий шерикчилик асосидаги 320 ўқувчига мўлжалланган математика, инглиз тили ва рус тили фанларига ихтисослаштирилган Беруний номли мактаб ташкил этилибди. Бундан ташқари, таълим муассасасида дарслардан ташқари, қўшимча равишда француз ва немис тили фанлари ўргатиб келинмоқда.

Навоий вилоятига ижодий сафардан олган таассуротларимиздан энг эсдан чиқмайдигани шу бўлдики, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги туфайли унинг ҳудудидаги асрий чўлу саҳролар ҳам иккинчи ҳаётини бошлаяпти. Ўз қаърида миллион йиллар мобайнида асраб-авайлаб келаётган бебаҳо бойликларини Ўзбекистон тараққиёти, халқимизнинг турмуш фаровонлиги учун туҳфа этаяпти. Биз, пойтахтдан борган ҳамда навоийлик журналистлар Қизилқум саҳросининг жанубий этакларидаги Нурота тумани, хусусан, Президентимиз ташаббуси билан яқинда шаҳар мақомини олган Ғозғон шаҳарчасида амалга оширилаётган оламшумул бунёдкорликлар билан яқиндан танишар эканмиз, шундай хулосага келдик.

Ғозғон азал-азалдан мармар ва гранит захираларига бой маскан сифатида яхши маълум. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бу ерда кончилик ишлари бошланганлиги, Ғозғон мармари нафақат мамлакатимизда, балки, ундан ташқарида ҳам катта-катта қурилишларга зеб берганлиги бор гап. Лекин ундан на давлатга, на аҳолига бир тийинлик наф йўқ эди.

Навоийда бўлиб, амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар ва уларнинг илк натижаларини кўриб, мамлакатимиз Президентининг Ғозғон шаҳрини барпо этиш тўғрисидаги фармони ушбу ҳудуддаги ерости табиий бойликларини мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида хизмат қилдиришга қаратилган муҳим қадам бўлганлигини яна бир карра ҳис этдик.

— Шаҳримиз Президентимиз фармони асосида 2019 йил 3 май куни ташкил этилган бўлиб, чорвачилик, асосан саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди **Ғозғон шаҳри ҳокими Азим Бозоров.** — Мамлакатимиз раҳбари 2019 йилнинг 12-13 март кунлари Навоий вилоятига ташрифи чоғида берган топшириғига кўра, бевосита *Миллий банк кўмагида 37 гектар майдонда табиий тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича маҳаллий тадбиркорларни жалб этган ҳолда йирик кластер лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2020-2021 йиллар учун "НБУ Ғозғон Инвест" масъулияти чекланган жамияти ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида қиймати 52 миллион долларга тенг 14 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Ҳозиргача лойиҳаларнинг еттитаси ишга туширилди. Қолганлари ҳам 2021 йилнинг биринчи чорагида ҳаётга татбиқ этилади. Натижада 800 та иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, йирик замонавий корхона "Мармаробод" МЧЖ кластернинг асосий бўғини, яъни табиий тошларни қазиб олиб, барча қайта ишловчиларни таъминловчи субъект этиб белгиланди. Корхона 2020 йилнинг ноябрь ойида ишга туширилди. Бугунгача кластер ҳудудида асосий ва ўнта кичик лойиҳа бинолари қурилиши якунланди.*

Таъкидлаш жоизки, шаҳримиздаги барча бунёдкорликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги "2019-2020 йилларда Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Мармар ва гранит тошларини қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган "Мармаробод" масъулияти чекланган жамияти жуда қисқа муддатда бунёд этилди ва маҳсулотлар реализациясини бошлади. Бу қудратли корхона тўғрисида ОАВ орқали билганларимиз бошқаю ўз кўзимиз билан кўрганларимиз бошқа бўлди. "Навоий — Нурота" автомобиль йўлидан чапга, Ғозғон томон бурилишимиз билан, яна 14 чақиримдан сўнг шаҳарга кириб борамиз ва корхона билан танишамиз, деб ўйлагандик. Аммо орадан кўп ўтмасдан, йирик саноат корхонаси бинолари бўй кўрсата бошлади. Беихтиёр, хаёлдан, ахир биз мустақил Ўзбекистонда, Қизилқум кенгликларидамизку, иш ва режалар ҳам шунга монанд-да, деган фикрлар кечди.

"Мармаробод"га қарашли ишлаб чиқариш корхонаси ҳар жиҳатдан жаҳоннинг мана-ман деган улкан корхоналаридан ўтса-ўтадики, асло қолишмайди. Биз корхона раҳбари Маҳмуд Шарофатовдан айни пайтда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

*— Корхонамизнинг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ, — дейди Маҳмуд Тоҳирович. — Миллий банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитойдан замонавий технологиялар келтирилиб, ўрнатилди. Ҳозиргача ўзимизга қарашли Пашшот ва Парғат конларидан 15 минг куб метр табиий тошлар қазиб олинди. 2021 йилнинг январь ойида карьерлар юзаси тўлиқ очилиши билан ойига 6000, йил мобайнида эса 72000 куб метр тош қазиб ола бошлаймиз.*

Айни пайтда жаҳон андозалари даражасидаги турли ўлчамдаги гранит ва мармар панеллар, плитка ва брусчаткалар, шаҳарсозлик учун зарур материаллар, кўплаб турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқараяпмиз. Ҳозирча маҳсулотларимиз, асосан, мамлакатимиздаги қурилиш компанияларига етказиб берилмоқда. Маҳсулотлар экспортига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, *Сингапур компанияларидан бири билан 2021 йилнинг январь ойи учун 1 миллион долларлик экспорт шартномаси имзоланди. Айни пайтда корхонада 200 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилаяпти. Улар бепул иссиқ овқат, иш кийимлари билан таъминланган. Ойлик маошларини ўз вақтида олишади.*

Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари билан бир пайтда маҳаллий ишчи ва мутахассисларга технологик жараёнларни бошқариш малакаси оширилиб борилмоқда. Бу борада хитойлик мутахассислар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биз Чин юртидан келган муҳандис Ван Же Ёнгни суҳбатга тортиб, Ўзбекистон ҳақида, бу ердаги ҳамкасблари, ишчи-ёшлар тўғрисидаги фикрларини сўрадик.

— Бу ерда ҳамма нарса биз ўйлаганимиздан ҳам аъло даражада, — дейди хитойлик мутахассис. — Ишчи-муҳандислар жуда қобилиятли. Улар билан ишлаш ёқимли. Корхона эса жуда зўр. Халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги эса алоҳида мавзу.

Дунёнинг қадимий шаҳарлари, Самарқанду Бухоро оралиғида жойлашган Нурота улардан ҳам қадимийроқ эканлиги таниқли тарихчи ва алломалар томонидан ёзиб қолдирилган. Биз, пресс-тур иштирокчилари бу муқаддас заминда ҳам бўлдик. "Чашма" тарихий-маданий ёдгорлик мажмуини кўрдик. Нуротанинг қиёфаси мислсиз даражада гўзаллашганидан, кўркамлашганидан хурсанд бўлдик.

Миллий мустақиллигимиз олис Қизилқум саҳросини, ундаги кентларни ҳам яшартираётганига, уларга иккинчи ҳаёт бағишлаётганига ишонч ҳосил қилдик.

**Ислом ҲАМРОЕВ,**
**Олимжон ХЎЖАЕВ**



AGROBANK



# Зангиота туманида замонавий иссиқхона фаолияти йўлга қўйилди

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Юртимизнинг барча ҳудудлари каби Тошкент вилоятининг Зангиота туманида ҳам аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламлиислоҳотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг етакчи банкларидан бири бўлган «Агробанк» АТБ томонидан тадбиркорларнинг тижорий лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият юритилмоқда. Буни мазкур туманда фаолият бошлаган “GIGANT GREEN EKSPORT” МЧЖ замонавий иссиқхона лойиҳаси мисолида кўриш мумкин.

Ушбу лойиҳа “Агробанк” АТБ ҳамкорлигида жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 4.9 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 3.9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағи банк ҳиссасига тўғри келади. Гидропоника усулида экилган иссиқхонадаги помидор кўчатлари айни ҳосил беришни бошлаган. Парвариш жараёни Туркия ва Испания технологиялари асосидаги ускуналар ёрдамида бошқарилади. Ҳаво ҳарорати ва намлигини бир меъёрда сақлаш, ўғит ва озуқа билан ўз вақтида таъминлаш, ҳар бир томчи сувнинг етказиб берилиши аниқ ҳисоб-китоб асосидаги компьютерлаштирилган тизим назоратида. Тадбиркорлар шу кунларда биринчи ҳосилни бозорга чиқаришди.

Экспортбоп маҳсулот етиштириш нафақат замонавий ускуналар, балки ўзига хос парвариш технологиясига ҳам боғлиқ. Шу боис ҳам иссиқхонадаги агротехник тадбирлар туркиялик мутахассислар ҳамкорлигида олиб борилмоқда.

Ушбу лойиҳа йилига 1000 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратилиши имкониятини бераётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ**

Xizmatlar litsenziyalangan

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Дунёда инсон саломатлигидан қимматлироқ бойлик йўқ. Соғлом танли ва соғлом фикрли инсонгина ҳар жабҳада фаол бўлиб, оиласи, яқинлари ва жамият равнақи йўлида камарбаста бўла олади. Инсон саломатлигини тиклаш ва соғлом бўлишда эса спортнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимизда спортни янада ривожлантириш, ҳар бир фуқаронинг жисмоний тарбия билан шуғулланишига кенг имконият ва шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

# СПОРТ — саломатлик гарови

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам ёшу кексани спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан туман ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида “Спорт саломатлик асосидир” номли тадбир ўтказилди. Унда корхона ва ташкилотларнинг ишчи-ходимлари иштирок этишди.

Тадбирда тумандаги МФЙ, корхона ва ташкилотлар ўртасида “5000 қадам”, “Эрталабки бадантарбия”, шахмат, мини футбол ва стол тенниси каби спорт турлари бўйича мусобақа ва беллашувлар ташкил этилди. Турли ёшдаги кишилар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари қизиқарли ўтди. Турфа касб эгалари бўлган иштирокчилар туманда спорт соҳасида яратилган имкониятлардан фойдаланиб келаётган спорт ишқибозларидир.

Дарвоқе, тумандаги 58 та маҳаллада ҳам режа асосида спортнинг барча турларидан мунтазам тарзда мусобақалар ўтказилиб келинмоқда. Туман МФЙлари аҳолиси жойлардаги мавжуд спорт залларида, шу билан бирга, умумтаълим мактабларининг спорт залларида ишдан бўш пайтларида кечки соат 18.00дан 24.00га қадар спорт билан машғул бўлишмоқда.

2020 йилнинг 14 декабрь куни туман ҳокимлиги, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорлигида туман ҳокими Ниғмат Муҳамедов кубоги учун спортнинг белбоғли кураш туридан мусобақа бўлиб ўтди. Унда туманнинг 100 га яқин спортсевар ёшлари иштирок этишди.

Мусобақада Заркент қишлоғи ёшлари вакили Ойбек Эргашбоев 1-ўринни эгаллади ва кубок соҳиби бўлди. “Чанги”лик Саидхўжа Ўрмонов 2-ўринни, “Бойқозон” МФЙдан иштирок этган Холмурод Ҳабибуллаев эса 3-ўринни эгаллаб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Даврон АҲМАД,**
**журналист**

ЭЪТИРОФ

# Депутатимиз «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси» бўлди

Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида бир гуруҳ қишлоқ хўжалиги фидокорлари «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Улар орасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси Дилрабо Холбаева ҳам бор.

Фракциямиз аъзосини ушбу юксак мукофот билан кўп минг сонли аъзоларимиз номидан қизғин муборакбод этамиз. Мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган самарали фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз! Давлатимиз ва халқимиз ишончини оқлашда куч-қувват ҳамда омад ёр бўлсин!

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
**Матбуот хизмати**





# ОЛТИАРИҚНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

## фаровон турмуш ҳамда ободлик сари элтмоқда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ

**Бугун мамлакатимизда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманини билмаган, эшитмаган одам топилмаса керак. Аслида Олтиариқнинг довруғи ўтган асрдаёқ Марказий Осиё сарҳадларидан ҳатлаб, олис Сибиргача етиб борган. Бу ҳам бўлса, туманнинг ижодкору санъаткор, олиму фозил инсонлари, миришкор деҳқонлари туфайлидир.**

**Хусусан, Олтиариқ деганда ҳар қандай юртдошимиз кўз ўнгига Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, халқ шоирлари Анвар Обиджон, Энахон Сиддиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Охунжон Мадалиев, Қиличбек Тожиевлар, эл севган хонанда Абдужалил Қўқонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, истеъдодли ёзувчи Алишер Ибодинов, тумандаги “Нурли обод” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова ҳамда тадбиркор, ишбилармон ва миришкор деҳқону томорқачилар келади.**





Шуни алоҳида тилга олиш ўринлики, жорий йилда туманнинг довруғи яна бир поғона кўтарилди. Чунки Олтиариқ республикамиз туманлари рейтингида биринчи ўринни эгаллаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Яъни олтиариқликлар бу йилги мураккаб ва пандемия шароитида ҳам ўзларининг нималарга қодир эканлигини яна бир карра исботлаб қўйишди.

— Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Қулай ишбилармонлик муҳити, амалий кўмак ва меҳнатга яраша манфаатдорлик ютуқларимиз омили бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди туман ҳокими Холмирза Ниёзов биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, бу йил ҳудудда барча жабҳаларда амалга оширилган ишлар кўлами ва таҳлили билан танишганимизда туман ҳокимининг фикрлари



исботини кўрдик. Келинг, шу боис айрим рақамларни келтириб ўтсак. Аввало 2020 йил давомида туманда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мавжудларини модернизация қилиш ҳисобига туманнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ўсишига эришилди. Натижада 295 миллиард сўмлик саноат, 1 триллион 855,5 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди, 368,2 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилди, 512 миллиард сўмлик чакана товар айланмаси, 203 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Тадбиркорларга қўшимча шарт-шароитлар яратиб, улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 780 ҳолатда жами 23 миллиард 948,7 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, иқтисодиётга қарийб 7 миллион АҚШ долларилик хорижий инвеститциялар жалб қилинди. Қолаверса, туманнинг Катпут массивидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган майдонларидан 4 та сектор учун 12 гектар ер ажратилиб, кичик саноат зонаси ташкил қилинди.

Бундан ташқари, импорт ҳажмини камайтириш ва экспорт миқдорини ошириш борасидаги янги лойиҳалар ҳам ижобий самара бермоқда. Жумладан, маҳаллийлаштириш дастури бўйича “Бобурбек Сарварбек имкон файз” МЧЖ томонидан 2020 йилнинг август-декабрь ойларида қиймати 140 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи травертин ва клей маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Ёки “Фарғона балиқ саноати” агрофирмаси томонидан балиқ чавоғи етиштиш, балиқ консервалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тумандаги “Новая Радуга” хусусий корхонаси ва “Веллий фруктланд” фермер хўжалиги эса Хитой, Белорусь ва Украина давлатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга оширди. Бир сўз билан айтганда, туман бўйича 64 миллион 594 минг АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 4 миллион 675 минг АҚШ доллари миқдоридаги саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида эса “Қишлоқ Қурилиш Инвест” инжиниринг компанияси Фарғона вилоят филиали томонидан туманнинг Қапчуғай массивида ҳар бири 24 хонадондан иборат 5 та, хусусий сектор томонидан иборат 3 та 5 қаватли ва 2 та 4 қаватли уй-жойлар Янги йил байрами арафасида 210 та оилага топширилади. Пировардида, шунча оила Янги йил айёмини қўшалоқ байрам сифатида нишонлайди.





Маълумки, айни юртимизда Учинчи Ренессанс нишоналари давлатимиз раҳбарининг таълим тизимига қаратаётган юксак эътиборида намоён бўлмоқда. Шу маънода айтганда, 2020 йилда туманда 34 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти, 1 та давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиб, 780 нафар тарбияланувчилар қамраб олинди. Энг муҳими, бунинг натижасида 97 та янги иш ўринлари яратилди. Ёки 42 та умумтаълим мактаби, 4 та ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда 1 та “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолияти ҳам ҳавас қилса арзигулик. Масалан, 1-ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби битирувчиларининг 92 фоизи олий таълим муассасаларига киргани боис, вилоят ҳокимининг фармойишига асосан 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 210 ўринга мўлжалланган замонавий ўқув биноси қурилиши якунига етмоқда. Қолаверса, таълим сифатини ошириш мақсадида 2021 йилда 1-сонли умумтаълим мактабига 7,5 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағлари эвазига 760 ўринли қўшимча янги ўқув биноси қурилиши режалаштирилган. Энг қувонарлиси, замонамиз Берунийлари, Фарғонийлари ва Улуғбекларини тарбиялаш учун тумандаги 10 та мактабни математика, кимё, биология ва ахборот технологиялари соҳасига ихтисослаштириш бўйича таклифлар берилган. Бундай эзгу ишларни амалга оширишда фидойилик кўрсатган туман ҳокими Х.Ниёзов Юртбошимизнинг 2020 йил 30 сентябрдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланди.

Пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари саналган пахтачилик ва ғаллачилик бобида ҳам мўл-кўл ҳосил етиштирилиб, ғалла хирмони режадаги 22.847 тонна ўрнига 24.647 тонна, пахта эса 19.300 тонна ўрнига 21.500 тоннага етди. “Нурли обод” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова ҳар йилгидек бошқаларга ўрнак бўлди. Бинобарин, Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Энахон Сиддиқованинг “Барханларда унган гул” асари ҳамда муаллифнинг драматург Сайдали Одилов билан ҳаммуаллифлигидаги сценарийси асосида Фарғона вилоят мусиқали драма театрида Лола опанинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятига бағишланган шу номдаги спектакль саҳналаштирилди.

## Изланишлар самараси “HAMZA EXPO ART TEKSTIL” хусусий корхонаси фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда

Туманнинг кўзга кўринган тадбиркорларидан бири Ғайратжон Қосимов таъсисчилигидаги мазкур хусусий корхона бугун ҳар жиҳатдан намунали бўлиб турибди. ЎзА фотомухбири Муқимжон Қодиров билан бирга тадбиркорнинг ишлари билан танишганимизда бунга амин бўлдик. Бундан 9 йил муқаддам ташкил этилган хусусий корхонанинг фаолият йўналишлари айни пайтда анча кенгайган. Жумладан, бу ерда ип йигирув, тўқимачилик ва тикувчилик цехлари мавжуд. Яъни корхона 3000 тонна пахтани қайта ишлаш (ип йигириш), 5 миллион квадрат метр мато тўқиш ҳамда кунига 3000 дона юк халта тикиш қувватига эга. Бугун корхонада туманнинг 231 нафар хотин-қизлари доимий иш билан таъминланган.







— Мен кўпдан буён иш тополмай қийналиб юргандим. Янги цех ўз фаолиятини бошлагач, мени ҳам ишга қабул қилишди. Ойлик иш ҳақим 1.100.000 сўмни ташкил қилади. Ҳозир дугоналарим ва маҳалламиз қизлари билан аҳил-иноқликда меҳнат қилаяпмиз. Дастурхонимиз тўкин-сочин, фарзандларимиз эса фаровонликда улғайишмоқда, — дея мамнунлигини изҳор этади Шоҳиста Омонова. — Бинобарин, туманимизнинг бошқа ёшларига, иш излаб юрган аёлларига ҳам ана шундай корхоналарга кириб, ишлашларини маслаҳат берган бўлардим.

Умуман олганда, ҳар учала цехда ҳам Шоҳиста сингари эртанги кунга бўлган ишончи юқори қизлар талайгина. Тадбиркор томонидан уларга қулай меҳнат шароити яратилган. Энг эътиборлиси, корхона маҳсулотларининг аксарият қисми Польша ва Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Масалан, 2019 йилда экспорт ҳажми 1 миллион 300 долларни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич салкам 2 миллион долларга етди. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, келгуси йилнинг дастлабки чорагида тўқувчилик цехини янада кенгайтириш режалаштирилган. Бунинг учун акциядорлик тижорат “Алоқабанк” томонидан 1 миллион 700 минг доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратилган. Натижада ишлаб чиқарилаётган мато 10 миллион квадрат метрга етади. Шунингдек, йилнинг 3-4 чорагида янги пахта тозалаш цехи ва чигитни қайта ишлаш, яъни ёғ-мой цехи ҳам қурилади. Бу хайрли ишлар эвазига яна 200 та янги иш ўрни яратилади.

Хусусий корхона фаолиятида яна бир қувонарли хабар шундан иборатки, бу йилги “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида ҳам тадбиркор бошқаларга ўрнак бўлди.

— Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, олаётган даромадимизнинг бир қисмини эл корига, хайрли ишларга сарфлаётганимиздан хурсандмиз. Аниқроқ айтганда, биз қайси соҳада ва қандай вазифада фаолият юритмайлик, мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, уни қадрлашимиз лозим. Зеро, истиклол берган имкониятлар нақадар кенг, у туфайли қўлга киритган ютуқларимиз эса асрларга татигулик бўлиб қолиши керак, — дейди Ғайратжон Қосимов.

Хулоса қилиб айтганда, Олтиариқнинг бугунги одимлари фаровон турмуш тарзи ва ободлик сари элтмоқда. Қишлоғу маҳаллалар қиёфаси янада гўзаллашиб, кўзни қувонтириб, киши ҳавасини келтирадиган даражага етмоқда. Якунланаётган “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” ана шундай ёркин саҳифалари билан олтиариқликлар учун унутилмас бўлиб қолмоқда.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

Reklama o`rnida

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *71 288-46-54* (149); Котибият — *71 288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *71 288-42-12* (132); Қабулхона — *71 288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *71 288-42-14* (132); 90 *900-72-15*

**Навбатчи муҳаррир** — Саодат Раҳимова
**Навбатчи** — Абдуғани Содиқов

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1200.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 1432
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 19.30
*Баҳоси келишилган нархда*

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217